



(Давоми. Боши 1-бетда).

билан эслатганимизда, отанинг юзи офтоб кўнгадэй нурланади. Козимжон Мамажонов, Олимжон Арапов сингари кишлоқ ишбилармонлари барпо этган гулзорлар, Тилибожон Халилов, Каримжон Тухтаев, Одижон Расулов, Одижон Аҳмедов сингари юздан ортиқ тадбиркорлар қурган савдо, маданий-маиший сервис хизмати шохобчалари, кўркамликда қиёси йўқ бинолар кўз ўнгида гавдаланиб, мамнун жилмайди.

— Битта майиз топсак бўлиб еган, яхшиликларни бир-бировимизга илғиб яшаган халқимиз, — дейди ота. — Дарахт эккан, ариқ қазиган, кўприк солган, иморат тиклаган одамки, ўзига бахтдан тахт ясабди. Хеч ким тортиб ололмайдиган шараф тожига эга бўлибди.

Инсоннинг нияти қилаётган ишларида зоҳир бўлади. Истиқлолни нондай азиз билиб, бу улуг нёъмат берган имкониятлардан ўринли фойдаланаётган, ибратомуз ишлари билан кўпчиликка, айниқса, ёшларга ўрнак бўлаётганлари бугун ҳар бир маҳалла, кишлоқда учратилиши мумкин. Ака-ука Мамажоновлар барпо этган мустақам спорт мажмуаси, шахристонлик Козимжон Отахонов, Дилмурод Самадов химматидан яралган мактаблар ва болалар боғчалари, кўрғонтепаллик оғанини Боймуродовлар томонидан очилган корхоналар эзгулик ва саховат медаларидир. Тадбиркорлар томонидан кўрб битказилган бу хилдаги ишоотлар биргина ўтган йилнинг ўзига 700 тага кўнайди.

— Мен мустақиллик йилларида тадбиркор бўлдим, — дея ҳикоя қилади Андижон шахридаги "Уфк-95" кўп тармоқли хусусий ишлаб чиқариш фирмасининг раҳбари Хасанбой Болтабоев. — Фирма ташкил этиб, унинг фаолиятини йўлга қўйиш, кўп тармоқли корхонага айлантиришни барча боқиларидан ўтдим. Қўлчичини кенг ёзиб меҳнат қилишимиз учун барча шариоатлар мўжайё. Ҳуқуқий асос яратил-

ган. Бунинг учун Юртбошимиздан миннатдорман.

Жорий йилнинг 15 майида Президентимизнинг "Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Очиги, бу муҳим ҳужжат биз, тадбиркорларни яна ҳам руҳлантириб юборди.

улғайишлари йўлида беқисс гамажурликлар қилинмоқда. Эндиликда вилоятда 117 та касб-хўнар коллежи, 12 та академик лицей, 739 та мактаб фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти истиқлол йилларида барпо этилган. Биринчи рақамда тақдорлаб қилинган кўринишга эга бўлган, энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган коллеж

ҳамда орасталигига эътибор қаратмоқда. Дам олувчилар учун барча кулайликлар мўжайё этилаётди. Истиқлол йилларида Андижон шаҳрида болалар боғи, Чўлпон боғи, Пахтаобода ёшлар боғи барпо этилди. Кўрғонтепа, Хонобод, Марҳамат боғлари ажиб кўриниш касб этди. Қуни кеча эса Андижон шаҳрида Нодирабегим



нинг яратувчанлик меҳнати билан барпо этилган касб-хўнар коллежлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг мўъжаз бинолари обод ва чароғон этган.

Халқимизни ёруғ манзилларга қорловчи, элатларни элатлар билан боғловчи нури, шарафли йўллар қурилиши давом этмоқда. Андижон шаҳрини Шахрихон туманига олиб борувчи йўл билан туташтирадиган халқа йўли қурилиши ниҳоясига етмоқда. Фарғона халқа йўлининг 86 километри билан Балиқчи — Пунгон йўлининг 14 километрини туташтирувчи йўл барпо этилаётди. Умумий қиймати 1 304 938 минг сўмликдан иборат бўлган мазкур йўлнинг ишоот ҳадемай фойдаланиш учун топширилган. "АР 130 А" дея номланган яна бир йўл Андижон шаҳрига кирувчилар учун кенг имкониятлар очди.

Қисқа қилиб айтганда бўлса, вилоятда биргина кейинги тўрт йилда 17 километр йўл қайта қурилди. Қарийб 52 километр йўлда тула таъмирлаш ишлари бажарилди. Тўрт юз километрга яқин йўл ўрта таъмирдан чиқарилди. Бу йўллардан асақалик автомобилсозлар ишлаб чиқараётган учқур "Нексия"лар, "Шевролет" туркумидаги энг замонавий автомобиллар қаровни ўзлашмади. Улар эларни эларга боғлайди. Юртбошимиз раҳаматлигида асос солинган нури манзилларни тобора яқинлаштираверди.

О. ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Андижон: БУНЁДКОРЛИК ШИЖОАТИ

Фирмаимиз кишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашни ўз зиммасига олган. Улуг ва кўзга байрамимизгача олтига қишлоқдаги артезиан қудуқларни таъмирдан чиқаримиз. Олтинкўл тумани марказида олти километрни сув тармоғини ишга туширамиз.

Аҳоли турмуш даражасининг янада яхшиланиши, ҳар бир гўшанинг ободлиги ва фойзбўлигидега кишлоқ хўжалиги билан бир қаторда санатни ривожлантириш муҳим ўрин тутаяди. Ўтган йили жойларда 13 та қўшма корхона ташкил этилиб, 3300 та иш ўрни очилди. Жорий йилда уларнинг сония яна 7 тага ортади. Аҳоли талаб ва эҳтиёжи ҳисобга олигани ҳолда Андижон туманида пишқиқ гишт, Пахтаобода шифер, Олтинкўл туманида цемент ишлаб чиқарадиган корхоналар қуриб битказилмоқда.

Ешлар — умримиз давомчилари, келажак бунёдкорлари. Уларнинг пухта билим олишлари, ўзлари ёқтирган касб-хўнарни эгаллашлари, ҳар жиҳатдан етуқ инсонлар бўлиб

ва лицейларни 55857 нафар ўғил-қиз тамомлаётди. Касб-хўнар коллежлари эса мамлакат иқтисодий-тининг турли тармоқлари учун бу йил 29159 нафар мутахассисни етказиб беради.

Тиббиёт соҳасидаги ошлохотлар жаранида шифоналар, сихат-гоҳларнинг моддий-техника базасини мустақамлашга жиҳдий эътибор қаратилаётди. Жумладан, "Саломатлик — 2" ҳамда "Аёллар ва болалар саломатлигини мустақамлаш" лойиҳаси доирасида 2,5 миллиард сўмликка яқин 60 турдаги тиббиёт жиҳозлари, ўқув қуроллари ва ташкилий техника воситалари, 10 та "Дамас" русумли махсус автомашина келтирилди. Улар бирламчи тиббий хизматни яхшилаш мақсадида туманларга етказилди.

Меҳнатқашларнинг дам олиши, ишдан сўнг мазмунли ва мароқли ҳордиқ чиқаришларида жойларда ташкил этилган маданият ва истироҳат боғлари муҳим ўрин тутаяди. Вилоят ҳокимлиги оромгоҳи ва сайилгоҳларнинг шинамлиги

боғи, Лугумбекда маданий ҳордиқ маскани ўз миҳозларини бағрига олди.

Андижон йўллари. Улар кенглиги, равонлиги жиҳатидан бир-биридан асло қолишмайди. Лекин уларни ажратиб турадиган, бетакор қиёфа бағишлайдиган муҳим жиҳат борки, у ҳам бўлса, йўл атрофида дов-дарахтларнинг жойлашуви. Айтايлик, беш километрни ташкил этадиган Пойтуғ — Куйганёр йўлининг ҳар икки четини каштан дарахти эгаллаган бўлса, ўн икки километр масофага чўзилган Андижон — Асака йўллари кўм-кўк арча безаб турибди. 22 километрни халқаро Шахрихон — Андижон йўли бўйларида бўйчан траеклар шувуллайдилар. Қува — Асака йўлини азалдан меваси олтиндай товланувчи узум ишол қилган. Қорасув — Хонобод йўллари бўйларидаги турнақор туртзорлардан, Жалақуд, Марҳамат, Кўрғонтепа йўлларида туташ боғ-роғлардан кўз қувнайди. Куйганёр — Андижон йўллари эса мустақиллик йилларида халқимиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бинобарин, юртимизда Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастурига мувофиқ, ўғил-қизларнинг замонавий асосда пухта билим олиши учун барча шарт-шароитлар яратилаёти. Айниқса, жойларда кўркам ва муҳташам ўқув масканлари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилаётгани ўғил-қизларни илму хўнарга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этаётди.

## ФАН ОЛИМПИАДАСИ ГОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Бундай беқисс гамажурликлардан баҳраманд ёшларимиз юртимиз ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва беллашувларда муваффақиятли натижаларни қўлга киритишмоқда.

Бу гагли умумтаълим фанлари бўйича республика олимпиадаси ҳам қўллаб-қўллагичи ўқувчиларнинг билим ва салоҳиятини муносиб баҳолаш ҳамда уларни рағбатлантиришга хизмат қилди, дейиш мумкин. Хусусан, беллашувда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан 440 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди.

— Бизнинг мактабда умумтаълим фанларини пухта ўзлаштириш учун энг замонавий имкониятлар мавжуд, — дейди Шифирхон туманидаги 31-мактаб ўқувчиси Умида Бозорова. — Дарсларимиз ҳам ноанъанавий тарзда — интеллектуал ўйинлар, турли беллашувлар шаклида ўтказилади. Асосий машғулотлардан сўнг янада чуқур билим олишни истайдиганлар математика, она тили ва адабиёт, биология, тарих, инглиз тили фанларидан тўғрақларга қатнашми. Ўқитувчиларимиз бизнинг ўзимиз қизиққан фанлардан пухта билим ва кўникмага эга бўлишимиз учун катта ёрдам беришаёпти. Бугун олимпиаданинг республика босқичида она тили ва адабиёт йўналиши бўйича голибликни қўлга киритишимда ҳам устозларимизнинг хизмати беқисс. Энди беллашувда голиб бўлган қўллаб-қўллагичи қатори олми ўқув юртига тест синоваларисиз қабул қилинман.

Ўқувчи натижаларга кўра, олимпиадада Ташкент шаҳри, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанд ҳамда Навоий вилоятлари вакилларининг билим ва истеъдоди юқори баҳоланди.

М. АНВАРОВА.

## Одам савдоси: ГЛОБАЛ МУАММО ВА ЕЧИМ

Шаҳрисабда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кўнчилиги ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси "Одам савдоси — замонавизнинг глобал муаммоси" мавзусида семинар ўтказди.

Таъкидланганидек, одам савдоси инсонга, унинг ор-номи, қадр-қиммати, осийиш-та ҳаёти ва келажига таҳдид солувчи трансмиллий уюшган жинойтчилик турларидан биридир. У барча давлатлар ва халқларо ташкилотларни қаттиқ ташвишга солмоқда. Чунки у чегара танламаётди ва ўз гирдобига, асосан, аёллар ҳамда ёшларни тортимоқда. Бу жинойт меҳнат қилишга мажбур-

қарши курашишда манфаатлар муштарак бўлиши зарурлигини тасдиқламоқда.

Мавжуд маълумотларга кўра, 2008 йилда Ўзбекистон хуқуқини муҳофаза қилувчи органларига ана шу жинойт-

### Анжуман

чиликдан жабрланганлардан мингга яқин ариза тушган. Улар бўйича 670 та жинойт иши қўзғатилган. Тергов натижаларига асосан, 287 нафар киши устидан суд ҳукми чиқарилди.

Одам савдоси билан боғлиқ жинойтлар трансмиллий жинойтчилик эканлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикасида қисқа муддат ичида бундай жинойтларга барҳам беришга доир норматив-ҳуқуқий база яратилди. Мамлакатимиз одамларни яшвиришга олиб чиқиб кетишга қарши курашишга ва бу жинойтчиликдан жабрланганларнинг хумоа қилишга қаратилган асосий халқаро ҳужжатларга қўшилди. Мустақиллик йиллари мобайнида уюшган жинойтчиликнинг ўта хавфли турларига, шу жумладан, одам

савдосига қарши курашиш соҳасида бошқа давлатлар билан 29 та шартнома ва битим имзоланди.

Шу билан бирга, семинар иштирокчилари давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг одам савдосига қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳудудий идораларро комиссиялар фаолиятини янада яхшилаш, одам савдосига имконият яратувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда баргараф этиш самардорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Б. НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## МУРУВВАТ, ГАМХЎРЛИК ВА ЭЪТИБОР мурғак қалбларда эзгуликка интилиш ҳиссини шакллантирмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Уйимизга "Бунёдкор" футбол жамоасининг мураббийлари, ўйинчилари тез-тез келиб туришади, — дейди ўн икки яшар Санжар Шарипов. — Улар бизга спорт анжомлари ва кийим-бошларни совға қилишади, биз билан тўп суришади, машғулотлар ўтказишади. Ўйинимни кўрган спортчи акаларим мендан яхши ҳужумчи чиқишига ишонч билдиришяпти. Уларга ўшаб машҳур спортчи бўлишга ҳозирданок ҳаракат қилишим керак. Бунинг учун менга спорт тўғраги раҳбари, устозим Валерий Горшкович беминнат ёрдам берапти.

Меҳрибонлик уйи жамоаси "Жар" спорт мажмуи, Миллий рақс ва хореография мактаби, Тасвирий ва амалий санъат лицейи, Республика Болалар ижодиёти маркази каби қатор ўқув муассасалари ва хўнар марказлари билан кенг қўламли ҳамкорликни йўлга қўйган. Ешлар тарбиясига бу тарзда масъулият билан ёндашилаётганлиги эса келгусида ижобий самара бермоғи тайин.

Муборак ОХУНОВА, «Халқ сўзи» мухбири.



Мамлакат тараққиёти ундаги мавжуд коммуникация тизимларининг, жумладан, йўлларнинг қай даражада эканлигига бевосита боғлиқ. Республикаимизда мустақиллик йилларида бошқа соҳалардаги каби йўлсозлик тизимида ҳам асрларга татигулик ишлар қилинди, десак, илғишчан бўламиз. Мамлакатимиз ҳудудидан ўтадиган халқаро, республика мақомидаги йўллар жаҳон андозаларига мос тарзда реконструкция қилинди, таъмирланди ва қайта қуриш ишлари олиб борилмоқда.

Республикаимиз Президентининг 2006 йил 20 декабрдаги "2007-2010 йилларда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллар қурилишини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастурилма амал бўлмоқда.

Маълумки, жаҳон цивилизацияси ва халқаро иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида

аҳамияти беқисс бўлган Буюк Ипақ йўлининг қаттагина қисми Қорақалпоғистон Республикасидаги ўтган. Бир вақтлар саҳродаги қўм бағирлар-

## ЭЛЛАРНИ ЭЛЛАРГА БОҒЛОВЧИ ЙЎЛЛАР

ридан ўтган ушбу қадим сўмқоқлар ўрнида бугун ўқдек тўғри ва равон йўллар барпо қилинди. Ушбу ҳудуддаги йўлларни тасарруф қилиш учун 2007 йилда Шимоли-ғарбий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларни сақлашга иқтисослаштирилган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси ташкил этилган эди. У айни вақтда 777 километр халқаро, 1899 километр давлат аҳамиятига молик йўлларга хизмат кўрсатамоқда.

Шунингдек, корхона меҳнат аҳли жорий ўрта ва мукамал таъмирлаш, қайта анги йўллар

қуриш ишларини ҳам олиб бормоқдалар. Йўлсозлик соҳасида яхши натижаларга эришаётган "Қорақалпоқавтожол" ҳудудий йўллардан фой-

уларни талаб даражасида фойдаланишга яроқли қилиб сақлаш учун малакали мутахассислар билан бирга корхонанинг моддий-техник базаси метри жаҳон андозалари асосида қуриб битказилди. Ҳозирги кунда ҳам ушбу йўлда улкан қурилиш ишлари амалга оширилаётди.

— Йўл қуриш савобли иш бўлиш билан бирга, — дейди "Қорақалпоқавтожол" ҳудудий йўллардан фойдаланиш корхонаси раҳбари Рашид Жолдасов, — мамлакатнинг юксалишини таъминлайди, шаҳар ва кишлоқларнинг обод бўлишида муҳим роль ўйнайди. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йўлида катта ишларни амалга оширишни режалаштирганмиз. "Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов" йўлининг 91,3 километри капитал таъмирланади. Айнан шу йўлдаги кўприкларни мукамал созлаш учун 280 миллион сўм маблағ сарфланади. Шунингдек, "Нукус — Окмангит — Чимбой" йўлидаги кўприк қурилишида 700 миллион сўмлик ишлар бажарилади ва ҳокзо. Пировардида бу кенг ва равон йўллар мамлакатимизнинг янада юксалишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ҳам мустақам бўлиши керак. Бугунги кунда қорақалпоғистонлик йўлсозлар ҳориддан келтирилган қудратли автогрейдерлар, бульдозерлар, ўзағардигач автоуловлар, асфальт босадиган катоклар ва бошқа русумдаги қўллаб-техника ҳамда механизмларга эга. Улар ўтган йили МДХ ва Европа давлатларига чиқиш имконини берувчи "Ғузур — Бухоро — Нукус — Бейнов" автомобиль йўли қурилишида айнан шу техникалар ёрдамида кенг қўламли ишларни амалга оширдилар. Яъни, мамлакатлараро аҳамиятга эга бўлган йўлнинг 160 кило-

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## ПРЕЗИДЕНТ АСАРИНИНГ АРАБ ТИЛИДАГИ НАШРИ ТАҚДИМОТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тақдимотда мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги дўстликни, ҳамкорлик ришталарини янада мустақамлаш ҳамда ривожлантириш ишига Президент Ислам Каримовнинг "Юксак маънавият — энгилмас куч" асаридидаги теран фикрлар, муштарак ёндашувлар ҳолис қилиши алоҳида таъкидланди.

Тадбир иштирокчиларининг яқдил фикрича, ўзининг маъно-мазмуни, мавзуси ва кўтарилган муаммоларнинг қамрови, йўналишига кўра ноёб бўлган бундай асар нафақат муаллифининг, балки Ўзбекистон халқи ва миллатининг кўп йиллар давомидаги ҳаётий, ижтимоий-сиёсий тажрибалари, жаҳонда содир бўлаётган воқеаларнинг таҳлили зами-нида яратилгандир.

(Ў.А.)

## БОЙ ТАРИХ ВА УЛКАН САЛОҲИЯТГА ЭГА МАМЛАКАТ

Бугун Самарқанд шаҳрида "Мирзо Улугбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси" мавзусида халқаро илмий конференция бошланди. Унда Ўзбекистон, Франция, Италия, Россия, Туркия, Япония, Хитой, Эрон, Хиндистон, Бангладеш, Озарбойжон каби қатор мамлакатлардан олимлар, эксперт ва мутахассислар, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади. Ўза мухбирлари улардан айримларининг фикрлари ва дастлабки таассуротлари билан қизиқди:

Фредерика БРЕССАН хоним, Парижда Теуриерлар жаҳонияти асосини, санъатшунос, Теуриерлар даври тарихи ва санъати бўйича мутахассис:

— Ўзбекистон — бой тарих ва улкан маданий меросга эга мамлакат. Ушбу муқаддас заминда камолга етган қўламли буюк мутафаккирлар ўзининг бой илмий-маънавий ва маданий мероси билан жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Мирзо Улугбек улардан биридир. Аллома яратган "Эжи жаҳиди Қўрагоний" асарини чуқур ҳаёжон билан ўқиб чиққанман. Унда нафақат астрономик жадвал, балки математиканинг турли соҳаларига оид қўллаб-масалалар ҳам кенг ўрин олган.

Мирзо Улугбекнинг жаҳон илм-фани ривожига қўшган буюк ҳиссасига бағишланган конференция кунлари қадимий Самарқандни зиярат қилиш бахтига мўъассар бўлганман. 1994 йилда Мирзо Улугбекнинг 600 йилли қобилигига бағишланган тантаналарда иштирок этган эдим. Шунинг алоҳида таъкидлашга аҳддорлигим, мамлакатнинг аждодларининг бой меросини чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликларни, тарихий обидларини, муқаддас қадамжоларни асраб-авайлаш, таъмирлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар тахсинга лойиқ.

Цуко НАКАМУРА, Теукио-Нейсел университетини профессори (Япония):

— Астрономия фани ривожига беқисс ҳисса қўшган Мирзо Улугбек ўзининг буназир кашфиётлари билан бугун дунёда доврүк қозонган. У давлатни бошқариш ишлари билан бир қаторда, турли соҳалар, хусусан астрономия, математика, тарих фанлари бўйича теран тадқиқотлар олиб борган. Бу буюк аллома таваллудининг 615 йиллигига бағишлаб ташкил этилган конференцияда иштирок этиш имкони туғилганидан жуда хурсандман.

Мамлакатимизга илк бор келишим. Ўзбекистонга келиб, бу гўзал диёрнинг тароватидан ҳайратга тушганимни алоҳида таъкидламоқчиман. Самарқанднинг жаҳоншумул шурҳати йил сайин ошиб бормоқда. "Шарк гавҳари" бўлган бу гўзал шаҳарда амалга оширилган ишлар ҳар қандай кишини лол қолдиради. Бу янгилашлар бунёдкор халқимизнинг юксак салоҳияти, тафаккур қудрати, истеъдод ва маҳоратининг намойишидир.

Ирода УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА, ЎЗА МАХСУС МУХБИРЛАРИ.

## МИРЗАЧЎЛ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

580 квадрат метр қурилиши тугалланмаган уй-жойлар мавжуд. Шунингдек, эскирган, авария ҳолатидаги ва бўш турган, қурилиши тугалланмаган ишоотлар ҳам аниқланиб, молиялаштиришни аниқ манбалари белгиланган ҳолда, уларни яшаш учун санитария нормаларига жавоб берадиган замонавий уй-жойларга айлантириш мақсадида капитал реконструкция қилиш ва таъмирлаш дастури ишлаб чиқилди. "Мирза-чўл бунёдкори" истиқослашган таъмирлаш-қурилиш корхонаси ҳамда "Ер-жар қаровни" қурилиш моллари дўхони ташкил этилган кишлоқ аҳли учун айни муддао бўлди.

— Қишлоқларимизда турароқ қуриш сезиларли қўлайди, — дейди "Мирза-чўл бунёдкори" истиқослашган таъмирлаш-қурилиш корхонаси раҳбари Шариф Мамадалиев. — Аҳоли эндиликда ҳар томонлама қўлай, намунавий лойиҳалар асосида замонавий қурилиш ашёларидан уй қуришга ҳаракат қилиётгани қувончлидир. Уй-жойларни қуриш ва таъмирлаш ишларини юқори сифатда амалга ошириш учун корхонамиз мустақам ишлаб чиқариш базасига, зарур техника ва малакали мутахассисларга эга.

"Ер-жар қаровни" дўхони мираз-чўлликларнинг қурилиш ашёларига бўлган талаби асосида фаолият олиб бормоқда. Энди қишлоқда ўзига зарур қурилиш молларини олиш йўли босиб, узоқ шаҳарлардан эмас, шу дўкондан сотиб олиш имконига эга.

Тошқул БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА МУХБИРИ.

**24 соат ичида**  
**ЖАХОН**  
 Канаданинг Ванкувер шаҳри дунёда яшаш учун барча шарт-шароитларга эга бўлган шаҳар сифатида эътироф этилди.

**Рохатижон шаҳарлар**



"Economist Intelligence Unit" (EIU) компанияси томонидан олиб борилган кузатишлардан сўнг шундай хулосага келинган. Энг яхши шаҳарни аниқлашда аҳолининг яшаш шароити, ижтимоий барқарорлик, хавфсизлик, атроф-муҳит тозаллиги, соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати ва маданий ҳаёт даражаси каби бир неча жиҳатларга эътибор қаратилган. Рейтингининг юқори погоналаридан, шунингдек, Вена, Мельбурн, Торонто, Перт, Калгари, Хельсинки, Женева, Цюрих ва Сидней каби шаҳарлар ўрин олган.

**Қидирув давом этади**

"Air France" авиакомпаниясининг "A330-200" самолёти ҳалокатга учраган жойда (Атлантика океани) олиб борилаётган қидирув ишлари давомида ҳаво лайнерининг айрим қисмлари топилган.



Бразилия ҳарбий кучлари томонидан маълум қилинишича, фалокат юз берган ҳудуддан "A330-200"нинг орқа қисмида жойлашган стабиллизатор парчалари сувдан олиб чиқилган. Ҳозиргача самолёт бортида бўлган 228 кишидан 24 нафарининг жасади топилган.

**Миллионер фермер**

Жанубий Дакота (АҚШ) штатида яшовчи 23 ёшли фермер Нил Уэнлесс лотерея ўйинидан 232 миллион АҚШ доллари ютиб олди.



"Associated Press" ахборот агентлигининг хабар қилишича, бу мамлакат тарихидаги энг катта жек-пот сифатида қайд этилди. Фермер лотерея чиптасини шаҳарга молларига ет олиш учун келганда 15 АҚШ долларига сотиб олган экан. Нил барча солиқларни тўлаганидан сўнг унинг қўлига 88,5 миллион АҚШ доллари тегади.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

**Мавсум**  
 Ўзги мавсумда сурхондарёлик ўғил-қизларнинг қарийб 10,5 минг нафари болалар оромгоҳларида дам олишади.  
**Таътил мазмунли ўтади**  
 Вилеят касаба уюшмалари бирлашмаси маълумотига қараганда, оромгоҳларда ҳордиқ чиқарадиган болаларнинг 5480 нафарини кам таъминланган оилалар фарзандлари ташкил этиши назарда тутилмоқда.  
 Дам олиш мавсумининг самарали ўтиши учун воҳанинг сўлим гўшаларида жойлашган ўн та ёғи болалар оромгоҳида зарур шарт-шароитларнинг барчаси шай этиб қўйилди. Бинолар таъмирланиб, қаттиқ, юмшоқ ва спорт жиҳозлари, тиббий асбоб-анжом ҳамда материаллар билан таъминланди. Иншоотларни алоқа, газ ва электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ишлари амалга оширилди, оромгоҳларга элтувчи автоўйлар тартибга келтирилди. Мавсумнинг тинч ва осийишта ўтиши учун зарур хавфсизлик чоралари кўрилди.  
 Гулбаҳор ТАНГИРОВА.

**GUNWOO**  
 ШУЪБА ҚОРХОНАСИ  
 Сизга Жанубий Корея мутахассисларининг энг охириги ишланмалари асосида яратилган **ПОЛИЭТИЛЕН ҚУВУРЛАРНИ** таклиф этади.  
 Диаметри 100 мм. дан 1000 мм. гача.  
 Кўйидаги максималда ишлатилади. сугориш, канализация, йўл қурилиши, қудуқлар, кўприк устуни, санаят, қишлоқ хўжалиги, гольф клуб.  
 1. Ичимлик суви таъминоти учун босимга чидамли, уз қатламли қувурлар (225-800 мм.)  
 2. Икки қатламли қувурлар (150-1000 мм.)  
 3. Бўртмали қувурлар (100-400 мм.)  
 4. Бўртмали перфорацияланган қувурлар (100-400 мм.)  
 Бизнинг полиэтилен қувурлар нисбатан қулай бўлиб, монтаж ишларини осонлаштиради.  
 Тел.: (998 98) 301-60-78, (370 71) 715-61-75.  
 ФАКС: (370 71) 715-63-16.  
 Тошкент вилояти, Чирчиқ ш., Қангли к., 16-«А» уй.  
 gunwoo@mail.ru  
 Махсулот сертификатланган.

**Эъзодағи авлод**  
 "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани томонидан пойтахтимиздаги имконияти чекланган болалар мактаб-интернатлари, Мехрибонлик уйлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун катта тадбир уюштирилди.  
 Тадбир давомида бола-жонлар пойтахтимизнинг бир қатор диққатга сазовор масканлари билан таништирилди.  
 Шу ўринда яна бир зарур изох: жамғарма томонидан оромгоҳларга йўл олган Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларига спорт кийимлари тўхфа этилди. Шунингдек, жамғарманинг тиббий-ижтимоий маркази қошида бемор болалар учун соғломлаштириш оромгоҳи очилди. Шу далилларнинг ўзи мамлакатимиздаги нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳам барча саъй-ҳаракатларини юрт келажаги бўлган болаларнинг баркамол улғайишларига қаратаётганидан далолатдир.  
 С. АЪЗАМХУЖАЕВА.

**ZS-AG** **VERNATURAL**  
 Швейцариянинг «ZS-AG International» фирмаси Ўзбекистоннинг «Vernatural LLC» фирмаси билан ҳамкорликда

**Наслдор қорамолларнинг қўйидаги зотларини таклиф этади:**  
**Свисс Браун (Swiss Brown)** Иссиқ иқлимга чидамлилиқ, сут сифатининг юқори кўрсаткичлари  
**Флекфи (Fleckvieh)** Яйловларда боқишга яхши мослашувчан, сут беришда юқори маҳсулдорлик  
**Холштайн (Holstein)** Сут беришнинг ўта юқори маҳсулдорлиги  
 Компания Ўзбекистонга чорва моллари импорт қилишда катта тажрибага эга.  
 Етказиб берилганидан сўнг кенг қўламда **малакали сервис хизматларни** ташкил этади:  
 • мақбул озиклантириш учун озуқа таҳлили;  
 • фермани бошқаришда консалтинг хизматлари;  
 • селекция дастурлари ва бошқалар.  
 Тошкентда мулоқот учун:  
 тел.: (998 71) 276-96-26, факс: (998 71) 276-97-06, E-mail: vernatural@inbox.ru

**Завод ТЕМЗ** иштадлаштиради ва реализует:  
**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**  
 предназначен для строительно-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительства многоэтажных зданий  
**Теперь и в лизинг!**  
 • максимальная грузоподъемность – 8 т  
 • максимальная длина стрелы – 30 м (с кареткой)  
 • максимальная высота подъема гор. – 41,5 м, наклонно – 57,5 м  
**АВТОКРАНЫ:**  
 для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах  
**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**  
 • максимальная грузоподъемность – 14 т  
 • максимальная высота подъема – 14,5 м  
**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
 • максимальная грузоподъемность – 16 т  
 • максимальная высота подъема – 22 м  
**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
 • максимальная грузоподъемность – 25 т  
 • максимальная высота подъема – 29 м (с гуськом)  
**ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА**  
 Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05, ф. 262-39-66.  
 E-mail: toemz@sarkor.uz www.temz-kran.uz

**Барча хўжалик юритувчи субъектлар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!**  
**«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИНИНГ**  
 халқ истеъмол молларини пул ўтказиш йўли билан харид қилиш мумкин бўлган улгуржи савдо базалари рўйхати ва «Ишонч телефонлари»

Т/р	Корхонанинг номи	Манзили	Шаҳар коди	Телефон
1.	«Озик-овқат моллари» РИУБК очик акциядорлик жамияти	Тошкент ш., Миробод т., Олтинкул 2-тор кўчаси, 115-уй	8-371	291-57-43, 293-03-00
2.	«Андихонгўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Андихон ш., Чинобод к., 1-уй	8-374	226-66-55, 226-66-56
3.	«Бухорогўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Бухоро ш., Когон шоссеси, 10-уй	8-365	факс: 225-41-71, 225-45-71
4.	«Бекободгўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Тошкент вил., Бекобод ш., Аббосова к., 18-уй	8-370	факс: 912-54-42, 912-37-66
5.	«Жиззахгўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Жиззах ш., «А» Санаят ҳудуди	8-372	факс: 221-02-50, 221-02-51
6.	«Намангангўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Наманган ш., Юқори Ровустон	8-369	факс: 232-64-60
7.	«Навоийулгуржисавдо инвест» масъулияти чекланган жамияти	Навоий ш., Спутник кўргони, 3-уй	8-436	факс: 770-24-21, 770-24-02
8.	«Олмалиқгўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Тошкент вил., Олмалиқ ш., Бўстон кўргони	8-370	факс: 611-51-03
9.	«Сурхондарёозиковқатмоллари» очик акциядорлик жамияти	Термиз ш., А. Ҳидоятлов к., 1-уй	8-376	факс: 223-74-69, 223-74-65
10.	«Сирдарёгўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Гулистон ш., Қурилиш к., 1-уй	8-367	факс: 226-49-14, 221-11-31
11.	«Сервисторг» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент ш., Фурқат к., 6-уй	8-371	239-18-75
12.	«Тижорат» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент ш., Навоий к., 25-уй	8-371	239-11-55, 239-13-62
13.	«Фаргонагўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Фаргона вил., Марғилон ш., Янги Фаргона к., 1-уй	8-373	факс: 237-54-25, 237-40-26
14.	«Чирчиқгўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Тошкент вил., Бўстонлик т., Озодбош кўргони, Наврўз к., 1-уй	8-370	факс: 713-20-40, 713-27-01
15.	«Қашқадарёозиковқатмоллари» очик акциядорлик жамияти	Қарши ш., «Ўзбекистон овози» к., 4-«А» уй	8-375	факс: 227-14-92, 227-14-72
16.	«Саховат» масъулияти чекланган жамияти	Қашқадарё вил., Косон т., Охунбобоев к., 46-уй	8-375	факс: 592-24-19, 777-21-93
17.	«Кўкон баққолик» масъулияти чекланган жамияти	Фаргона вил., Кўкон ш., «Халқ сўзи» рўномаси к., 16-уй	8-373	552-26-00, факс: 552-10-16
18.	«Қорақалпоқгўштсавдо» очик акциядорлик жамияти	Нукус ш., Бердах гузари, 1-уй	8-361	223-72-17, 223-72-84, факс: 223-72-13
19.	«Янгийўлгуржисавдо базаси» масъулияти чекланган жамияти	Тошкент вил., Янгийўл ш., Самарқанд к., 187-уй	8-370	факс: 602-37-01, 602-20-28
20.	«Хоразмозиковқатмоллари» масъулияти чекланган жамияти	Хоразм вил., Урганч т., Чотқўпир қишлоғи	8-362	факс: 225-62-27, 229-23-96
21.	«Хоразмулгуржисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти	Урганч ш., Санаятчилар к., 12-уй	8-362	225-70-63, 225-70-64
22.	«Шахрисабз инвест» шўба корхонаси	Қашқадарё вил., Шахрисабз ш., Пиллақаш к., 21-уй	8-375	522-86-83, факс: 522-87-19
23.	«Баққолик» ТАЖ	Тошкент ш., Фаргона йўли 2-тор к., 152-уй	8-371	291-10-47, 291-58-60
24.	«Маданий моллар» РИУБК масъулияти чекланган жамияти	Тошкент ш., Ҳамза т., Шоҳсанам к., 5-уй	8-371	298-39-84, 298-64-95
25.	«Атторлик» РИУБК очик акциядорлик жамияти	Тошкент ш., Собир Раҳимов т., Жомий к., Мавзў тор кўчаси, 20-уй	8-371	228-08-27, 244-20-43
26.	«Хўжалик ва қурилиш моллари» РИУБК очик акциядорлик жамияти	Тошкент ш., Ҳамза т., Шоҳсанам к., 85-уй	8-371	298-35-92, 298-44-88, 298-66-88
27.	«Газмол» РИУБК очик акциядорлик жамияти	Тошкент ш., Яққасарой т., Қулшўба маззаси, 20-«А» уй	8-371	250-01-84, 250-03-74
28.	«Пойабзал ва спорт моллари» РИУБК очик акциядорлик жамияти	Тошкент ш., Ҳамза т., Толариқ к., 26-уй	8-371	298-47-92, 298-76-75
29.	«Улгуржиқиймсавдо» РИУБК очик акциядорлик жамияти	Тошкент ш., Ҳамза т., Шоҳсанам к., 85-уй	8-371	298-35-90, 298-62-63
30.	«Баққолик» хусусий корхонаси	Бухоро ш., С. Муродов к., 1-уй	8-365	факс: 223-54-13, 223-35-68
31.	«Газмол АНД» акциядорлик жамияти	Андихон ш., Бобур шоҳқўчаси, 24-уй	8-374	факс: 224-59-67, 291-12-46
32.	«Дарбент Хўжайли» масъулияти чекланган жамияти	Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли ш., Ломоносов к.	8-361	факс: 554-59-19, 554-62-25, 554-63-59
33.	«Нукус универсал базаси» масъулияти чекланган жамияти	Нукус ш., Бердах гузари, 6-уй	8-361	факс: 223-72-83, 223-73-01
34.	«Навоийулгуржисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти	Навоий ш., Спутник кўргони, 3-уй	8-436	факс: 770-24-61, 770-24-62
35.	«Намангансавдоулгуржи база» масъулияти чекланган жамияти	Наманган ш., Навоий к., 31-уй	8-369	233-54-27, факс: 233-54-37
36.	«Нохид» масъулияти чекланган жамияти	Самарқанд ш., Якубовская к., 121-«А» уй	8-366	факс: 221-60-10
37.	«Наманганулгуржисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти	Наманган вил., Тўрақўрган т., Янги шаҳар, «Оқтош» маҳалласи	8-369	факс: 442-21-91, 442-30-66
38.	«Туркистон-Универсал» масъулияти чекланган жамияти	Сирдарё вил., Гулистон ш., Н. Зокиров к., 184-уй	8-367	226-51-05, факс: 226-52-07
39.	«Тўртқўл универсал базаси» масъулияти чекланган жамияти	Қорақалпоғистон Республикаси, Тўртқўл т., Нукус к., 5-уй	8-361	факс: 532-25-65, 532-27-02
40.	«Туркистон матбулот инвест» масъулияти чекланган жамияти	Жиззах вил., Зомин т., Мустақиллик к., 25-уй	8-372	факс: 392-22-00
41.	«Қирғулисавдо» масъулияти чекланган жамияти	Фаргона ш., Қўқаламзор к., 8-уй	8-373	222-58-00, факс: 222-76-40
42.	«Қашқадарётижоратсавдо» масъулияти чекланган жамияти	Қарши ш., Насаф к., 69-уй	8-375	227-69-51, факс: 227-68-38
43.	«Фаргонаулгуржисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти	Фаргона вил., Марғилон ш., Назира Холматова к., 146-уй	8-373	факс: 237-54-45
44.	«Хонободтаъминотсавдо» масъулияти чекланган жамияти	Андихон вил., Хонобод ш., Қорадарё к., 11-уй	8-374	734-22-63
45.	«Шимбайулгуржисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти	Қорақалпоғистон Республикаси, Чимбой т., Ш. Рашидов к.	8-361	444-24-00
46.	«Жондорулгуржисавдоинвест» масъулияти чекланган жамияти	Бухоро вил., Жондор т., Маҳмуд Таробий к., 42-уй	8-365	факс: 582-13-31
47.	«Термиз санаят моллари» шўба корхонаси	Термиз ш., А. Ҳидоятлов к., 1-уй	8-376	223-74-62, 223-74-81

Сизни қизиқтирган барча масалалар бўйича «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмасининг қўйидаги телефонларига мурожаат этишингиз мумкин: 239-49-00, 239-46-03, 239-46-97, 239-13-52.

**«SVMASH» ОАЖ СОТАДИ:**

Т/р	Транспорт воситалари	Ишлаб чиқарилган йил	Бозор нархи (сўм)
1.	«ГАЗ 52» русумли автомашина (техник носоз)	1982	3 538 173
2.	«ГАЗ 53А» русумли автобус (техник носоз)	1983	3 513 356
3.	«ГАЗ 31029» русумли автомашина (техник носоз)	1993	3 181 546
4.	«К 701» русумли трактор (техник соз)	1992	35 972 000
5.	«ГКБ-8352» русумли авторымтиркама (техник носоз)	1986	2 873 580

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Бектемир тумани, Х. Бойқаро к., 13-уй.  
 Телефон: (998-71) 295-13-00. Факс: (998-71) 295-06-37. E-mail: office@svmash.uz

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси хайъати ҳамда касба уюшмаси бирлашган кўмитаси УЗР ФА академияси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, кимё фанлари доктори, профессор **Хусниддин Рустамович РУСТАМОВ**нинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлиқ билдиради.

«Узавтоўл» давлат-акциядорлик компанияси Қўйилқ темирбетон кўприк конструкциялари таъриба заводи директори Баҳодир Шоғазитов ва палари бузруквори **Ҳабидулла ШОҒАЗИТОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

«Узавтоўл» давлат-акциядорлик компанияси Марказий халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларини сақлашга ихтисослашган таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси директори Нурмурад Шоймова палари бузруквори **РҲЗИБОЙ БОБОНИН** вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор этади.

Зарафшон воҳаси қадим ўтмиш билан боғлиқ бебаҳо осориётиқаларга бой бўлади. Бу ёдгориқларни асраб-авайлаш, уларнинг қадр-қиммати ва туб моҳиятини ёш авлод онгига сингдириш ҳаммамизнинг бурчимиз саналади. Шу маънода, бугун кўҳна қадамжоларимизнинг яратилиш тарихи, ўтмишда қандай воқелиқлар гувоҳи бўлганлигини кенг тадқиқ этиш ҳар жиҳатдан муҳим.

# АСРЛАРГА ШОҲИД ОБИДА

Навоий вилоятида аждодлардан мерос 339 та бебаҳо ёдгориқ рўйхатга олинган. Ушбу тарихий ва маданий обидаларнинг аксарияти Карман тумани ҳамда унинг атрофидаги ҳудудларга дахлдор бўлиб, шулардан бири Работи Малик карвонсаройидир. Маъмура Кармандан ўн саккиз чакрим ғарбда жойлашган.

Работи Малик 1069-1079 йиллар ораллигида Бухоро ҳукмдорларидан бири, қорахоний султон — Томғочхон Иброҳимнинг ўғли Шамсулмулк Носир ибн Иброҳим (1068-1080) даврида қурилган. Маъмура чорси ҳовли ва унинг атрофини ўраб турган хонаю ҳужралардан иборат. Унга жануб томондаги пештоқли дарвоза томондан кирилган. Аждодлар тафаккури маъсули бўлиши мазкур бинога боққанингиз сайин хайрат ва ҳаяжонингиз ортаверди. Айниқса, унинг узунлиги юз метрга яқин ташқи кунгурдор деворлари пухта ва пишкунлиги, ҳар бир қаричи аниқ ҳисобкитобу геометрик ўлчов асосида кунбўй этилганлиги билан эътиборга молик. Деворнинг баландлиги 12

метрча етган. Работнинг ўртасида эса улкан пештоқ бўлиб, унинг бўйи 18 метр, эни 12 метр бўлган. Шунингдек, қайд этиш жоизки, Работи Маликнинг олтиш устуни саройи Марказий Осиё

қисмида ёруғлик тушадиган маъсус туйнук бўлган. Сардобага, шунингдек, мустаҳкам зина ва эшиқлар ўрнатилган. Тахмин қилинишича, бу ерда туя, от ва савдогарларнинг моллари сақланган. Карвонсарой девор-

юрлишлар даврида қўним топанлар. Манбаларда қайд этилишича, XVI асрнинг охирида бу ер энг гавжум ва обод манзиллардан бирига айланиб, Бухоро хони Абдуллаҳон ҳам ҳар сафар ота юрти Карманга, устози Қосим шайхни зиёрат қилишга келар чоғда Работи Маликда тўхтаб, хордиқ чиқарган.

Давлатимиз раҳбарининг мўътабар қадамжоларга алоҳида эътибори тўғрисида бошқа тарихий маълумотлар қатори Работи Малик маъмури ҳам қайта таъмирланиб, янада чирой очди. Қолаверса, мазкур ғўшда олиб борилаётган изланишлар ҳамда қизгин тадқиқотлар тўғрисида янги тарихий маълумотлар кашф этилмоқда. Жумладан, Н. Немцева ва М. Хушназаров бошчилигидаги тадқиқотчилар гуруҳининг саъй-ҳаракати билан бу жойдан Амир Темур даврида зарб этилган тангалар топилгани Работи Малик ўтмишда савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилган марказ бўлганлигидан далолат бериб турибди.

Сулаймон ИНОЯТОВ, тарих фанлари доктори, профессор.



## «ТЕЗ ЁРДАМ» ЧАҚИРИҒИ КАМАЙДИ

Бунга қандай эришилди?

Хусусан, «Тез ёрдам» хизмати тубдан такомиллаштирилди. Бугунга келиб, мазкур тармок «Шошилич тиббий ёрдам хизмати» деган алоҳида ном билан аталмоқда. Шошилич тиббий хизмат тизими бир неча бундан иборат бўлиб, унга Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази бошчилик қилмоқда.

Хўш, Хоразм вилоятида бу борадаги ишлар қўламини қандай?

Бугунги кунда ҳудуднинг шаҳар ва туманларида ҳам 12 та тез тиббий ёрдам хизмати бўлиб қолди. Жойларда тез тиббий ёрдам хизматини аҳоли истиқомат қиладиган ҳудудларга яқинлаштириш мақсадида туман кўп тармоқли тиббиёт биноларида тиббиёт хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари қошида ҳам таянч пунктлари ташкил этилаётгани эътиборга молик.

Сўнгги тўрт йил мобайнида «тез ёрдам» бўлими 33 та янги автомобиль билан таъминланди. Жорий йилда яна 8 та «Hyundai» русулини машина хизмати йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Барча бўлими, таянч пунктлари замонавий алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Айни кунда вилоят миқёсида 360 та бригадала аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишга йўлланган ҳудудларда қўлланган маъмура доримон воситалари маъмура Хусусан, оддий тез ёрдам пункти 32 тарафга, маъсус бригадалар эса 82 тарафга доримон воситаларига эга. Шунингдек, маъсус бригадалар ЭКГ аппарати ва қон ўрнини босувчи суюқликлар билан таъминланган. Тез тиббий ёрдам хизматлари кечроқ кўндүз меҳнат қилишлари босим улара хордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратилган.

Маълумки, ушбу соҳа хизматлари ўзига яраша машаққатли вазифани адо этиладир. Тез ёрдам шифокорининг бир оздан сўнг қаерда, қай манзилда бўли-

ши аниқ эмас. У ҳар қандай вазиятга тайёр туриши даркор. Зеро, у бемор ҳаётини сақлаб қолиш, унинг саломатлигини қўқайришга масъул. Қолаверса, «Тез ёрдам» шифокори бир пайтнинг ўзида ҳам жарроҳ бўлиши, ҳам беморнинг руҳий ҳолатидан тортиб, унинг вужудини безовта қилаётган касалликни тезкорликда аниқлаш билан зарур. Бундан ташқари тез тиббий ёрдам кўрсатиб бўлмайди. Шу боис вилоят «тез ёрдам» хизмати ходимлари билан маъмура янада ошириш мақсадида амалий ишлар олиб борилаётган. Утган йили 14 нафар шифокор Тошкент врачлар маъмура ошириш институтини малака ошириб қайтди. Қолаверса, соҳага тажрибали мутахассисларни жалб этиш борасида ҳам самарали қарашли 18 та таянч пункти фаолият йўлга қўйилган. Айниқса, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида қишлоқ врачлик пунктлари қошида ҳам таянч пунктлари ташкил этилаётгани эътиборга молик.

Сўнгги тўрт йил мобайнида «тез ёрдам» бўлими 33 та янги автомобиль билан таъминланди. Жорий йилда яна 8 та «Hyundai» русулини машина хизмати йўлга қўйилиши кўзда тутилган. Барча бўлими, таянч пунктлари замонавий алоқа воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Айни кунда вилоят миқёсида 360 та бригадала аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатишга йўлланган ҳудудларда қўлланган маъмура доримон воситалари маъмура Хусусан, оддий тез ёрдам пункти 32 тарафга, маъсус бригадалар эса 82 тарафга доримон воситаларига эга. Шунингдек, маъсус бригадалар ЭКГ аппарати ва қон ўрнини босувчи суюқликлар билан таъминланган. Тез тиббий ёрдам хизматлари кечроқ кўндүз меҳнат қилишлари босим улара хордиқ чиқаришлари учун зарур шарт-шароит яратилган.

Маълумки, ушбу соҳа хизматлари ўзига яраша машаққатли вазифани адо этиладир. Тез ёрдам шифокорининг бир оздан сўнг қаерда, қай манзилда бўли-

қилинган бўлса, эндиликда бу қўндага чек қўйилди. Бугун ишга қабул қилинаётган ҳар бир мутахассис маъсус таъйинланган бўлиши шарт. Республика шифокор тиббий ёрдам илмий марказининг Хоразм вилояти филиали қошидаги комиссияда имтиҳон қилиниб, унинг қарори асосида ишга қабул қилинади.

Шунини эътиборга моликки, бугун ҳудудда «Тез ёрдам»га чақирилган сонни сезиларли даражада камайдди. Масалан, 2006 йилда аҳолидан 257 мингта чақирик тушган бўлса, утган йили бу рақам 240 мингтага ташкил қилди. «Хўш, бунга қандай эришилди?» деган савол тўғрисида табиий. Гап шундаки, вилоят «тез ёрдам» хизмати ходимлари бир йилликда тез тиббий ёрдам хизмати ва жойлардаги поликлиникалар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик мустаҳкамланди. Вилоят солиқли сақлаш бошқармаси ташаббуси билан «Ягона диспетчерлик тизими» яратилиши эришилди. Бу эса чақирилган сонни камайдди олиб келмоқда.

Диспетчерлик хизматининг афзаллиги шундаки, унинг ёрдамда кетма-кет чақирик тушган 3 ёшга бугун бемор болалар ва тана ҳарорати тез-тез кўтариладиган, сунракли касаллик билан оғриган катта ёшдаги беморлар ҳақида поликлиникаларга мунтазам хабар бериб турилади. Натихада поликлиникага ёки ҚВП шифокорлари беморни дарҳол назоратга олиб, муҳим шартларда ёки ўйда даволашни бошлайдилар. Шу тариқа, кетма-кет чақирилларга чек қўйилди. Бу билан «Тез ёрдам» ходимларининг вақти, автомашинага кетадиган ёниги тежалди. Бир сўз билан айтганда, бугун соҳага таъбиқ этилаётган янги иш усули аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида бирмунча қўлай имкониятларга йўл очиб, соҳа ривожини таъминлаётди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## МАДАНИЯТ хабарлари

Ўзбекистон Бадий академиясининг Фаргона вилояти бўлимида водийлик рассомлар ҳамда халқ амалий санъати усталари ижодига бағишланган ҳафталик ўтказилди.

## ФАРГОНАДА САНЪАТ ҲАФТАЛИГИ

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилга бағишланган мазкур тадбирнинг очилишида фарғоналик рассом Эрнест Рамазонов ижодига тааллуқли 50 дан зиёд асар намойиш этилди.

Шунингдек, кўрғазмага ташриф буюрган томошабинлар Л. Семизарова, А. Ҳамидов, И. Битова, В. Пучковский, Б. Богдановнинг сўнгги йилларда яратган ижод намуналари билан яқиндан танишилди. Риштонлик кулолларнинг «Мовий арсона» деб номланган композицияси санъат илосмандлари эътирофига сазовор бўлди. Дамир Усмонов, Руслан Шафиев, Ботир Бобо-

жонов сингари ёш кулоллар намойиш этган асарлар эса қадимий халқ ҳунармандчилигининг ноёб анъаналарини ўзид ақ эттирганлиги билан эътибор қозонди. Ҳафталик мобайнида халқ амалий санъатининг кенга авлод вақиллари — мактаб ўқувчилари ҳам иштирок этишди. Улар ижодига бағишланган кўрғазма «Ватанимиз бекиёс гузал» деб номланган бўлиб, экспозициядан навиқорон истеъдод соҳибларининг бахтли болалик, она-юрта муҳаббат, тинчлик мавзусларидаги ҳамда Ватанимизнинг бетакрор табиатидан илҳомланган яратган асарлари жой олди.

Хусусан, ёш мусавирларнинг «Қуз оқшони», Шоҳимардонда баҳор», «Қишлоқ даласи», «Она шаҳримда қўламан» номли тасвирий санъат асарлари томошабинларда катта таассурот қолдирди.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Бухоро шаҳрида Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятларида фаолият кўрсатаётган болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари иштирокида «Болалар баҳори» фестивали ўтказилди.

Сурхондарё вилоятидаги «Наврўз» истироҳат боғида Республика фольклор жамоалари фестивалининг вилоят босқичи яқунланди.

Унда туманлардан «Бойсун», «Кўнғирот», «Бунбулғиё», «Маҳлиё» каби ўнга яқин фольклор-этнографик халқ жамоаси қатнашди. Қизиқарли кечган байрам дастурида Бойсун туманининг «Бойсун» жамоаси голиблики қўлга киритди.

М. ҚАРИМОВА.

## «Болалар баҳори» фестивали

Тадбирда анъанавий хонандлик ва созандалик, халқ чолғу ансамбллари, рақс ҳамда эстрада-вокал жамоаларининг дастурлари намойиш этилди. Пировадиди Хива ва Бухоролик ўқувчилар анъанавий хонандлик йўналишида голиб бўлди. Анъанавий чолғу ижрочилиги йўналишида қорақалпоғистонлик ва қозонлик ўқувчиларнинг қўли баланд келди. Халқ чолғу асбоблари ижрочилиги йўналишида ҳам бу икки жамоага омад қилиб боқди. Рақо йўналишида нуқуллик ва бухоролик ўқувчиларга тенг келадиган топилмади.

И. ИСТАМОВ.

## Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

Венгриянинг Сегед шаҳрида байдарка ва канозда эшак эшиш бўйича жаҳон кубогининг учинчи босқич беллашувлари яқунланди.

## Ҳамюртимиз жаҳон кубоги соҳиб



## ЗАРАФШОНЛИК ПАРАШЮТЧИЛАР ЮТУВИ

Фаргона шаҳрида Ўзбекистон Қуролли Кучларининг парашют спорти бўйича очик чемпионати бўлиб ўтди. Унда ҳарбий қисмлардан ва Навоий кон-металлургия комбинати-га қарашли Марказий кон бошқармасидан жами 15 та жамоа иштирок этди. Парашютда ерга белгиланган тартибда тушиш бўйича яққалик ва жамоавий машқлар бажарилди. Бу борада Шарқий ҳарбий округи жа-

Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Вадим Меньков минг метрга канозда эшак эшиш баҳсларида иккинчи ўринни эгаллаб, қумуш медал билан тақдирланди. Канозда беш юз метрга эшак эшиш беллашувларида эса бронза медални соҳиб бўлди. Аҳамиятисиз, уч босқичли мусобақалар якунига қўра, «Пекин» Олимпиадаси иштирокчиси ва Осиё чемпиони Вадим Меньков канозда минг метрга эшак эшиш бўйича жаҳон кубогининг 2009 йилдаги голиби, деб эътироф этилди. Эслаб ўтамиз, Вадим Меньков жаҳон кубогининг Рачице (Чехия)да ўтган биринчи босқичда беш юз метрга эшак эшишда олтин, минг метр масофада қумуш медалига сазовор бўлган. Познан(Польша)да ўтказилган иккинчи босқичда минг метр масофада олтин медални қўлга киритган, беш юз метр масофадаги мусобақада эса тўртинчи ўрин билан кифояланган эди.

«Чимен-2» клуби эса учинчи ўридан жой олди. Якунда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин зарафшонлик парашютчиларга, учинчи ўрин эса Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билан юрти вақилларига насиб этди. Узоққа граната улоқтириш баҳсларида мезбонлар биринчи, Зарафшон шаҳридаги «Зар-Даха» жамоаси ик-

кинчи, «Чимен-2» клуби эса учинчи ўридан жой олди.

Якунда умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин зарафшонлик парашютчиларга, учинчи ўрин эса Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билан юрти вақилларига насиб этди. Узоққа граната улоқтириш баҳсларида мезбонлар биринчи, Зарафшон шаҳридаги «Зар-Даха» жамоаси ик-

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

## Истеъдод ва маҳорат намойиши

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган «Келажак овози» республика кўрик-танловининг Сирдарё, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри саралаш босқичлари бўлиб ўтди.

Бу йил танловга «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг ҳудудий бўлими қаторида Олий ва ўрта маъсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари орқали ҳам аризалар қабул қилинди. Шундай қилиб, бу галги танловда 23 мингдан зиёд иқтидорли ёш интидорлар иштирок этиш истагини билдирди. Жорий йилда танлов шартлари ва номинацияларга бирмунча ўзгаришлар киритилганлигини қайд этиш жоиз: Бу эса чинакам истеъдодли ёшларни кашф этиш мезонлари янада адолатли бўлишини таъминлайди. Жумладан, аввалги тан-

ловларда ёшлар етти номинация бўйича голиблик учун курашган бўлсалар, эндиликда иштирокчилар ўн беш йўналишни ўз ичи-

«Келажак овози — 2009» олан тўртта номинация бўйича беллашишди. Булар — «Архитектура ва дизайн», «Ахборот технологиялари, рационализиаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар», «Анъанавий ва амалий санъат», «Адабиёт ва публицистика» йўналишларидир. Эътиборлиси шундаки,

яқуний босқич голиблари жорий йилдан бошлаб лойиҳа ва ижодий ишларини янада такомиллаштириш имконига эга бўлиш билан бирга, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг «Таълим грантлари» ҳамда «Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» совриндорлигига тавсия этиладилар. Учала вилоятда ўз йўналиши бўйича голиб деб топилган йигит-қизлар танловнинг республика босқичида қатнашиши имконига эга бўлдилар.

О. ФАЙЗИЕВ.

Advertisement for NEW HOLLAND TL5060 tractor. Includes image of the tractor, contact information (TEL.: 120 60 97 - 120 89 58), and a list of features: 10mm ground clearance, PTO, PTO shaft, PTO clutch, PTO brake, PTO safety, PTO maintenance, PTO repair, PTO parts, PTO accessories.

Advertisement for OB-XAVO (10 June) featuring a map of Uzbekistan and text about agricultural products and services in various regions like Qoraqalpog'iston, Xorazm, Navoiy, Samarqand, Jizzax, Sirdaryo, Toshkent, and Namangan.

Advertisement for 'Халқ сўзи' (Folk Word) newspaper, including contact information for the publisher and subscription details.

Advertisement for 'Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ' (Chief Editor Otkir RAHMATOV), including contact information and a list of staff members.

Advertisement for 'МАНЗИЛИМИЗ: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй' (Our address: 100000, GSP, Tashkent city, Matbuotchilar street, 32-apartment), including contact information for the publisher.